БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

10-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 70 (2361),
9 АПРЕЛЬ
СЕШАНБА
1963 ЙИЛ
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

*Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!*

*Яшасин ер юзида ҳамма халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни барқарор қилувчи коммунизм!*

## *КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1963 ЙИЛ 1 МАЙ*

# ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни, барча мамлакат ишчиларининг бирлик ва қардошлик Куни — 1 Май!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

3. Яшасин халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик!

4. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Бутун куч КПСС Программасини, партия XXII съезди қарорларини бажаришга қаратилсин!

Коммунизм ғалабаси сари, олға!

5. Яшасин улуғ революцион таълимот, бутун дунё меҳнаткашларининг қудратли ғоявий қуроли — марксизм-ленинизм!

6. Ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг жанговар авангарди — қардош коммунистик ва ишчи партияларга оташин салом!

7. Яшасин бутун дунё коммунистлари улуғ армиясининг бузилмас марксча-ленинча бирлиги ва жипслиги!

8. Пролетар интернационализми байроғини баланд кўтарайлик!

9. Барча мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги ҳаракат бирлиги мустаҳкамлансин!

10. Реакция қурбонларига, капитал тутқунларига озодлик!

11. Жаҳон халқлари! Мустамлака қуллигининг шармандали системасини батамом ва узил-кесил тугатиш учун, империалистик қарамликнинг ҳамма формаларига қарши курашингиз!

12. Жаҳон халқлари! Империализмнинг халққа қарши бўлган йиртқичлик моҳиятини фош қилиб ташлангиз! Монополияларнинг зулмига ва милитаризмнинг авж олишига қарши курашни кучайтирингиз!

13. Барча мамлакатларнинг халқлари! Хушёр бўлингиз, уруш оловини ёқувчи империалистларни фош қилингиз! Мустаҳкам ва бузилмас тинчликни таъминлаш учун активроқ курашингиз!

14. Барча мамлакатларнинг халқлари! Ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун қатъият билан курашингиз!

15. Барча мамлакатларнинг халқлари! Германия сулҳ шартномасини тузишни ва Ғарбий Берлинни демилитаризация қилинган эркин шаҳарга айлантиришни талаб этингиз!

16. Яшасин халқаро ишчилар синфининг фарзанди, социализм ва коммунизм йўлидан бораётган озод, суверен халқларнинг қудратли ҳамдўстлиги бўлган жаҳон социалистик системаси!

17. Социализм қураётган Хитой Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин Совет Иттифоқи билан Хитой улуғ халқлари ўртасидаги абадий бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

18. Социализм қураётган Албания Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва албан халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

19. Социализм қураётган Болгария Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва болгар халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

20. Социализм қураётган Венгрия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва венгер халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

21. Социализм қураётган, ўз мамлакатини демократик негизларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Вьетнам Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва вьетнам халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

22. Социализм қураётган Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва герман халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

Яшасин Германия Демократик Республикаси!

23. Социализм қураётган, ўз мамлакатини демократик негизларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Корея Халқ Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва корейс халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

24. Социализм қураётган, ўз ватанининг озодлигини ва мустақиллигини Америка империалистларининг агрессив ҳамлаларидан қаттиқ туриб, фидокорона ҳимоя қилаётган Кубанинг қаҳрамон халқига қардошлик саломи! Яшасин совет ва куба халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

25. Социализм қураётган Монголия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва монгол халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

26. Социализм қураётган Польша Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва поляк халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

27. Социализм қураётган Руминия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва румин халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

28. Социализм қураётган Чехословакия Социалистик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва чехословак халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

29. Югославия Социалистик Федератив Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Совет ва югослав халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги тинчлик ва социализм учун кураш манфаатлари йўлида ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

30. Улуғ ҳинд халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

31. Улуғ индонез халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Индонезия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

32. Бетараф, мустақил ва демократик Лаос барпо қилиш йўлига тушиб олган лаос халқига қизғин салом!

33. Тинчлик ва ўз мамлакатларининг миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Бирма, Цейлон, Камбоджа халқларига қизғин салом!

34. Афғон халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Афғонистон халқлари ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

35. Мустамлакачиликни батамом тугатиш ва ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган араб мамлакатларининг халқларига қизғин салом!

36. Жазоир халқига қизғин салом! Совет ва Жазоир халқлари ўртасидаги дўстлик ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

37. Ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун фидокорона курашаётган озод Африка давлатларининг халқларига қизғин салом!

38. Конго давлатининг мустақиллиги ва бирлиги учун курашаётган конго халқига қизғин салом!

39. Империализмга қарши, ўз мамлакатларининг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Латин Америкаси халқларига қизғин салом!

40. Бутун дунёда мустаҳкам тинчлик манфаатлари йўлида Англия, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги яшасин!

41. Германия Федератив Республикасининг милитаризмга ва фашизмнинг тикланишига қарши курашаётган меҳнаткашларига ва барча прогрессив кучларига қизғин салом!

42. Совет Иттифоқи ва Италия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

43. Яшасин Совет Иттифоқи ва Финляндия Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

44. Совет халқи билан Швеция, Норвегия, Дания, Исландия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

45. Яшасин Совет Иттифоқи ва Австрия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

46. Ўз мамлакатининг тўла мустақиллиги учун, Америка ҳарбий базаларига қарши, тинчлик ва қўшни давлатлар билан дўстлик учун курашаётган япон халқига қизғин салом!

47. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати!

48. Яшасин ғалабалар билан шуҳрат қозонган шавкатли Совет Қуролли Кучлари!

49. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги муваффақиятларга эришингиз, ҳар қандай агрессорни тор-мор келтиришга ҳамиша тайёр бўлиб турингиз!

50. Яшасин мамлакатимиздаги ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи!

51. СССР халқларининг бузилмас бирлиги ва қардошларча дўстлиги яшасин ва мустаҳкамлансин!

52. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун куч коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга қаратилсин!

53. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Умумхалқ социалистик мусобақасини кенгайтирингиз! Етти йиллик бешинчи йили планини муддатидан илгари бажарайлик!

54. Коммунистик меҳнат коллективларига ва зарбдорларига, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар!

55. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Мамлакатимиз қудратининг ва халқ фаровонлигини янада оширишнинг асоси бўлган социалистик мулкни бутун чоралар билан мустаҳкамлангиз!

56. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунизм қурувчиларнинг: ишламаган-тишламайди деган принципини оғишмай амалга ошириш учун курашингиз!

57. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат унумдорлигини зўр бериб оширингиз! Ишлаб чиқаришнинг ички резервларидан энг тўлиқ фойдаланиш учун, маҳсулот сифатини ошириш учун курашингиз!

58. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Комплекс механизация ва автоматлаштиришни амалга оширингиз, фан, техника муваффақиятларини ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий қилингиз!

59. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Давлат маблағларини тежаб-тергаб сарфлашга эришингиз! Хўжасизлик, ортиқча харажатлар ва исрофгарчиликка қарши курашингиз!

60. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва транспорт ходимлари! Капитал маблағлардан энг оқилона ва тежаб фойдаланиш учун курашингиз! Ресурсларни ишга тушириладиган энг муҳим қурилишларга сарфлангиз!

61. Совет металлурглари ва кончилари! Руда қазиб чиқаришни, чўян, пўлат, прокат, қувурлар, рангли ва нодир металлар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз!

62. Совет энергетиклари! Электростанцияларнинг ва электр шохобчаларининг қурувчилари ва монтажчилари! Электр энергия ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштиришни таъминлангиз, энергетика системаларини қуриш ва ишлатиш қимматини пасайтирингиз!

63. Машинасозлик ва асбобсозлик ходимлари! Техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш учун қунт билан курашингиз! Халқ хўжалигини энг янги машиналар ва асбоблар билан тезроқ таъминлангиз!

64. Нефть ва газ саноати ходимлари! Мамлакатга кўпроқ нефть ва газ берайлик!

65. Совет геологлари! Ватанимизнинг битмас-туганмас бойликларини тезроқ очингиз!

66. Кўмир саноати ходимлари! Кончилик техникасидан энг кўп фойдаланиш учун курашингиз! Кўмирнинг таннархини камайтирингиз ва сифатини яхшилангиз!

67. Химия саноати ходимлари! Янги қувватларни тезроқ ишга туширингиз ва ўзлаштирингиз! Янги синтетик материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, минерал ўғитларни кўпроқ ишлаб чиқарингиз!

68. Совет бинокорлари! Қурилиш ишларининг суръатларини ва сифатини оширингиз! Пишиқ, кўркам ва тежамли бинолар ва иншоотлар қурингиз!

69. Бинокорлик материаллари саноати ходимлари! Қурилиш индустриясини ривожлантирингиз! Цемент, янги бинокорлик материаллари ва йиғма конструкциялар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз!

70. Ўрмон, ёғочсозлик ва қоғоз саноати ходимлари! Мамлакатга юқори сифатли ёғоч, мебель, целлюлоза ва қоғозни кўпроқ берайлик!

71. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати ходимлари! Молларни ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни оширингиз, хилларини кўпайтирингиз, сифатини яхшилангиз!

72. Балиқ саноати ходимлари! Балиқ овлашни кўпайтирингиз, балиқ маҳсулотларининг сифатини яхшилангиз ва таннархини камайтирингиз!

73. Совет транспорти ходимлари! Транспортни такомиллаштирингиз ва замонавий техника воситалари билан таъминлангиз! Юкларни элтиб бериш муддатларини қисқартирингиз, пассажирларга яхшироқ хизмат кўрсатингиз!

74. Алоқа ходимлари! Алоқа воситаларини ривожлантирингиз ва такомиллаштирингиз! Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилангиз!

75. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Кўкламги экишни намунали ўтказиш учун, дон, техника экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш учун умумхалқ мусобақасини кенг авж олдирингиз!

76. Қишлоқ хўжалик ходимлари! Бошқарув янги системасининг афзалликларидан тўлиқ фойдаланингиз! Ташкилотчилик ишини такомиллаштирингиз, ҳамма колхозлар ва совхозларни илғорлар даражасига кўтарингиз!

77. Колхозчилар, совхоз ходимлари, қишлоқ механизаторлари! Механизацияни, фан муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини дадил жорий қилингиз! Техникани зўр бериб ўрганингиз, ундан яхши фойдаланингиз ва уни авайлаб асрангиз!

78. Колхозчилар ва совхоз ходимлари! Жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз, ем-хашак базасини мустаҳкамлангиз! Гўшт, сут, ёғ, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтирингиз!

79. Қўриқ ерларнинг меҳнаткашлари! Деҳқончилик маданиятини ошириш учун курашингиз, жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз!

80. Колхозчилар! Колхоз демократиясини ривожлантирингиз! Колхоз — деҳқонлар учун коммунизм мактабидир!

81. Савдо, умумий овқатланиш ва коммунал-маиший хўжалик ходимлари! Аҳолига хизмат кўрсатишда юксак маданият учун курашингиз!

82. Совет муассасаларининг ходимлари! Омма орасида ташкилий ва тарбиявий ишни кучайтирингиз! Бюрократизмни йўқотингиз, меҳнаткашларнинг эҳтиёжларига ва талабларига сезгирлик билан қарангиз!

83. Фан ва олий ўқув юртларининг ходимлари! Фаннинг янада равнақ топиши учун, техника тараққиёти учун курашингиз! Коммунизм даврига муносиб мутахассислар тайёрлаб берингиз!

Илғор совет фанига шон-шарафлар!

84. Ажойиб космик кемаларнинг яратувчилари бўлган совет олимларига, конструкторларига, инженерларига, техникларига ва ишчиларига шон-шарафлар!

Шавкатли совет космонавтларига шон-шарафлар!

85. Адабиёт ва санъат арбоблари! Асарларнинг партиявийлиги ва халқчиллиги, юксак ғоявийлиги ва бадиий маҳорати учун курашингиз! Коммунизм қурувчилар қилаётган қаҳрамонона ишларнинг улуғворлиги ва гўзаллигини, ҳаётимизда янги, коммунистик муносабатларнинг ғалабасини ёрқин акс эттирингиз!

86. Матбуот, радио ва телевидение, нашриётлар ва маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари! Партиянинг коммунизм тантанаси учун курашида жанговар ёрдамчилари бўлингиз!

87. Халқ маорифи ходимлари! Болаларни ўқитиш сифатини оширингиз, уларни меҳнатсеварлик, коллективизм, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбиялангиз!

88. Медицина ходимлари! Меҳнаткашларга хизмат кўрсатишни яхшилангиз. Медицина фанининг энг янги муваффақиятларини практикага жорий қилингиз!

89. Яшасин бизнинг умумхалқ социалистик давлатимиз!

90. Яшасин ҳокимиятнинг чинакам халқ органлари бўлган меҳнаткашлар депутатлари Советлари!

Совет социалистик демократияси ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

91. Яшасин совет касаба союзлари — коммунизм мактаби!

92. Яшасин коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари бўлган совет хотин-қизлари!

93. Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви бўлган Ленин комсомоли!

94. Йигитлар ва қизлар! Коммунистларча ишлаш ва яшашни қунт билан ўрганингиз!

Яшасин шонли совет ёшлари!

95. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Билимларни қунт билан эгаллангиз, меҳнатни севингиз ва ҳурмат қилингиз! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрланингиз!

96. Коммунистлар ва комсомоллар! СССРда коммунизм қуриш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

97. Коммунизмнинг шавкатли қурувчиси, ер юзида тинчлик ва ҳамма халқларнинг бахт-саодати учун мард курашчи улуғ совет халқига шон-шарафлар!

98. Яшасин партия билан халқнинг буюк бузилмас бирлиги!

99. Яшасин Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

100. Яшасин жонажон Совет ҳукуматимиз!

101. Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

102. Яшасин ер юзида ҳамма халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни барқарор қилувчи коммунизм!

***Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети.***

